

ШАРТНОМА № 19.12.2022/1

Мархамат ш.
(контракт тузила жой)

«24» Декабрь 2022й
(контракт тузилган сана)

Мархамат тумани тиббиёт бирлашмаси Бундан буён «БУЮРТМАЧИ» деб аталувчи номидан низом асосида фаолият олиб борувчи рахбари З. Назаров бир томондан МЧЖ «BLACK STAR MEDICAL» ва бундан буён «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» деб аталувчи номидан низом асосида фаолият олиб борувчи рахбари Назаров А.Б. бошка томондан, ушбу контрактни куйидагилар тугрисида туздилар.

1. КОНТРАКТ ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу контрактга асосан Буюртмачи товарни кабул килади ва тулайди. Етказиб берувчи эса куйидаги шартларга мувофиқ етказиб беради:

№	Товар номланиши	Улчов бирлиги	Сони	Нархи	Умумий суммаси НДС билан
1	Ракамлик Рентген курилмаси модель: 6600	Туплам	1	700 000 000	700 000 000
2	Ультратовуш ташхиси курилмаси модель: ZONCARE M5	Туплам	1	105 000 000	105 000 000
3	Паровой стерилизатор модель: SHINVA LMQ-C.	Туплам	2	106 312 500	212 625 000
4	Портативный стоматология рентген курилмаси модель: DX3000	Туплам	1	32 375 000	32 375 000
Умумий					1 050 000 000

1.2. Контрактнинг умумий суммаси **Бир миллиард эллик миллион сум ККС билан.**

2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. «Буртами» мазкур контрактни газначилик булинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 5 календарь куни ичида конунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан ~~15~~ % микдорида (шартнома суммасидан уттиз % микдорида) олдиндан тулаш мажбуриятини олади, колган ~~15~~ % ни товарни олгандан сунг 10 календарь куни ичида кабул килиш-топшириш далолатномаси, хисоб-фактура ва в.б. асосида тулайди.

2.2. «Етказиб берувчи» аванс маблаглари Етказиб берувчининг тегишли хисоб варағига келиб тушган вақтдан бошлаб 90 календарь куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. «Етказиб берувчи» амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. «Буюртмачи» товарларни кабул килишда «Етказиб берувчи» иштирокида олинаётган товарларнинг туликлигини ва сифатини шартномада кузда тutilган бошка талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошка холлар кузда тutilмаган булса, товарларни ташиш ва тушириш буйича барча харажатлар Етказиб берувчи хисобидан амалга оширилади.

2.6. Буюртмачининг розилигига кура товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан далолатнома буйича кабул килинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати курсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кузда тutilган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

3. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Буюртмачининг хукуклари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур булган давлат стандартлари ва бошка меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Буюртмачи хисобидан товарлар ташиб келтирилганда. Етказиб берувчидан транспорт харажатларини коллаб беришни талаб

килиш агар мазкур контрактнинг шартларида бошка холлар белгиланмаган булса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кура мазкур контрактга мувофик тегишли сифат, ассортимент буйича товарларни етказиб беришни талаб килиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда уз ихтиёрига кура куйидагилардан бирини талаб килиш:

-тегишли сифатдаги шунга ухшаш товар билан алмаштириб бериш;

-камчиликларни бегараз бартарф этиш;

-Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаган лиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни коллаб беришни талаб килиш.

3.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

-товарларнинг кийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тулаш.

3.3 Етказиб берувчи куйидаги хукукларга эга:

- "Буюртмачидан" олдиндан тулов ва етказиб берилган товарлар учун якуний хисоб - китобларни Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кузда тутилган тартибда ва хажмларда амалга оширишни талаб килиш;

-Буюртмачидан шартнома шартларига мувофик етказиб берилган товарларни асоссиз равишда кабул килмаслик натижасида етказилган зарарларни коллаб беришни талаб килиш.

3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

-Буюртмачига товарларни мазкур контрактга мувофик белгиланган муддатда, микдорда ва сифатда етказиб бериш;

-агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва ёки Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида четга чикишга йук куйган холларда Буюртмачининг талаби буйича 3-кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни бегараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Узбекистон Республикаси амалдаги конунчилигига мувофик ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган такдирда контракт бажарилган хисобланади.

4.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи:

-Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлар кийматининг 5 фоизи микдорида, тез бузиладиган товарлар буйича эса 10 фоиз микдорида жарима тулайди.

-Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) холларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташкари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини такдим этган холда, танлаб олинмаган (уз муддатида олинмаган) товарлаб киймати тўланишини талаб килишга хаклидир.

-Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки кисман рад этганлик, шунингдек хисоб-китобнинг бошка шаклларида товарлар хакини тўлашдан бош тортганлик (ғазначилик органларига тўлов топширикномасини такдим килмаганлик ва хоказо) учун буюртмачи махсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи микдорида жарима тўлайди.

-Етказиб берилган товарлар хакини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи етказиб берувчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.2. Етказиб берувчи:

- миқдор, сифот, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- шартнома шартларининг бошка бузилишлари;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради;

- Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) конун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар хаки тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

- Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

- Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун етказиб берувчи сотиб олувчига (буюртмачига) бундай товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Товарлар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сакланиши керак бўлган ҳолларда сотиб олувчи (буюртмачи) жарима ундиришдан ташқари, ўз қучи билан, лекин етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўрашга ва идишларга жойлашга, ёхуд бир шаҳардаги етказиб берувчидан товарларни ўраб бериш ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Қелишмовчиликлар ва баҳслар қелиб қолган ҳолларда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга хал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар қелишмовчилик ва баҳсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган ҳолларда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судига кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслигини ҳолатлари енгиб бўлмайдиган қучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларида томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уриш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиклаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар қиради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларини енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга қиради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза тоаширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхталиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Етказиб берувчи”

МЧЖ “BLACK STAR MEDICAL»

Манзил: Тошкент ш. Шайхонтохур тумани,

Жангоҳ МФЙ, Абай кучаси, 13уй, 1-хонадон.

Тел: +998971310789

х/р: 2020 8000 9055 6583 9001

МФО: 01172

Банк номи: РОУТАХТБАНК

СТИР: 309 849 898 ОКОНХ : 46900

Буюртмачи”

Манзил: _____

Тел./факс _____

ш/х _____

бюджетдан маблағ олувчи
СТИР /V: 4017 228 600 322 720 7310 / 15001

Ғазначилик бўлинмаси номи: _____

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: _____

СТИР: 201122919

МФО: _____

Ғазначилик бўлинмаси СТИР: _____

Рахбар _____

сана _____

202_ йил



Рахбар _____

Ҳуқуқшунос: _____



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

SZ8476341331

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Ш А Р Т Н О М А № 19.12.2022/1
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Marxamat tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 22.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Marhamat tumani
yuridik markaz
rahbari:**



G‘.A.UMAROV
23.12.2022